

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО  
ҲАМКОРЛИГИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation**

**Валижонов Далер Дилшодович**

Жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура  
органларининг халқаро ҳамкорлиги .....3

**Валижонов Далер Дилшодович**

Международное сотрудничество органов прокуратуры Республики  
Узбекистан в борьбе с преступностью .....23

**Valijonov Daler Dilshodovich**

International cooperation of the Prosecutors' Office of the Republic of Uzbekistan  
in combating crime.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ ҚОШИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО  
ҲАМКОРЛИГИ**

12.00.10 – Халқаро ҳуқуқ

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Үи219 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsul.uz](http://www.tsul.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рахимов Фахри Хайдарович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нўлатов Бахтиёр Халилович**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Эшматова Феруза Фархатовна**  
юридик фанлар доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар**  
**вазирлиги Академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Үи.22.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 ноябрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси 35. Тел.: (998971) 233-66-36; факс: (998971) 233-37-48; e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**994**-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси 13. Тел.: (998971) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2021 йил **12** ноябрда тарқатилди.

(2021 йил **12** ноябрдаги **16**-рақамли реестр баённомаси).



**И.Р.Рустамбеков**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

**Д.Ю.Хабидуллаев**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

**Г.Юлдашева**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда хавф-хатар ва зиддиятлар, трансмиллий таҳдидлар тобора ортиб бораётгани халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда<sup>1</sup>. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг маълумотларига кўра<sup>2</sup> бугунги кунда халқаро миқёсда трансмиллий (28,5 %) ва уюшган жиноятчилик (26,3 %), шунингдек кибер (18,4 %) ва иқтисодий жиноятларнинг (26,8 %) ортиши ҳам кузатилмоқда.

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик доирасида жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва олдини олиш масаласи энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Хусусан, МДХ иштирокчи-давлатларининг Бош прокурорлари мувофиқлаштирувчи Кенгаши маълумотларига асосан<sup>3</sup>, мазкур минтақада 2020 йил биринчи чоракнинг ўзидаёқ қарийб 800 мингта жиноят рўйхатга олинган. Шу жумладан, мазкур кўрсаткич 2019 йил худди шу давр учун давлатлар кесимида Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон, Арманистон, Россия Федерациясида 4-70 % ўсиш даражасини ташкил этган<sup>4</sup>.

Республикамизда сиёсий барқарорликни, тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликни таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Прокуратура органлари қонунлар ижросини назорат қилишга масъул”<sup>5</sup> ва прокуратуранинг асосий фаолият йўналишларидан бири бу халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликдир, чунки прокуратура хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан жиноий-ҳуқуқий соҳада ҳам, бошқа йўналишларда ҳам ҳамкорликни амалга оширади.

Хусусан, «жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш, коррупция, экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш»<sup>6</sup> юзасидан аниқ вазифалар белгиланган. Буларнинг ҳаммаси жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини, жумладан

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 21 сентябрь куни бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқидан // <https://president.uz/uz/lists/view/4632>

<sup>2</sup> Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотик ва жиноятчилик бўйича Бошқармасининг расмий маълумотлари асосида // [Электрон ресурс]: <https://www.unodc.org/documents/AnnualReport/Annual-Report.pdf>

<sup>3</sup> МДХ иштирокчи-давлатларининг Бош прокурорлари мувофиқлаштирувчи Кенгаши расмий маълумотлари асосида // [Электрон ресурс]: <http://www.ksgp-cis.ru/about/obzory/sostojanie-prestupnosti-v-2020-godu>

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси // [Электрон манба] // <https://president.uz/ru/lists/view/1371>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони // [Электрон ресурс]: [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалаларини комплекс тадқиқ этишни талаб этади.

БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка, Коррупцияга қарши конвенциялари, ШХТнинг Терроризмга, Экстремизмга қарши конвенциялари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Прокуратура тўғрисида»ги (2001), «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги (2012), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017) Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлашга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бевосита жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлиги муаммосига олим ҳамда тадқиқотчилардан Р.Сайфулов, Б.Исмоилов, Д.Умарханова, С.Кахаров, М.Азимов, Н.Сафаров, Ш.Хамроева, У.Низамединходжаев<sup>1</sup> ва бошқалар эътибор қаратишган.

Мавзу доирасида Р.А.Сайфулов ўз илмий ишларида Ички ишлар вазирлиги ва прокуратура органлари материаллари асосида муаммони жиноят-процессуал ҳуқуқи нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этган. Шу билан бирга, ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар орасида Ф.М.Файзиев давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш масалаларини ўрганганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқшунос Д.Умарханова жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорликнинг универсал ва минтақавий механизмларини такомиллаштириш хусусида тадқиқотлар қилган бўлса, ҳуқуқшунослар Н.Сафаров ва У.Низамединходжаевлар эса асосан Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлигини ички ишлар ҳамда миллий гвардия органлари фаолияти мисолида ёритиб беришга ҳаракат қилганликларини эътиборга олиш лозим.

Бироқ юқоридаги муаллифларнинг илмий ишлари халқаро-ҳуқуқий фанлар доирасида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларининг

---

<sup>1</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик механизмини такомиллаштириш масалалари бўйича алоҳида комплекс тадқиқотлар ўтказилмаганлигини кўрсатмоқда.

МДХ мамлакатлари олимлари орасидан Э.Дамирчиев, Л.Лазутин, Б.Фрахи ва бошқалар жиноятчиликка қарши кураш муаммосининг халқаро ҳуқуқий жиҳатларини ёритиб берганлар.

Хорижий олимлар халқаро жиноят ҳуқуқи нуктаи назаридан, масалан, М.Бассиони, Чиолкю Хванг, Дионисиос Спинеллис, Эллен Подгорус, Неил Бойстер, Роберт Кюрри каби олимлар, асосан, жиноят ишлари бўйича халқаро ҳамкорлик ва бу соҳада инсон ҳуқуқларини таъминлаш минтақавий механизми масалаларига оид илмий изланишлар олиб боришган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ишининг мавзуси Тошкент давлат юридик университети Кенгашининг 2021 йил 31 мартдаги 5 - сонли мажлиси баённомасида тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертация тадқиқотининг мақсади жиноятчиликка қарши курашишда прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги масалаларини тадқиқ этиш, бу жараёнда муаммо ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқлаш, шунингдек халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишлари бўйича илмий ва амалий таклиф, тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал муаммоларини ўрганиш;

жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг назарий жиҳатларини тадқиқ этиш;

иқтисодий жиноятлар, коррупция ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги масалаларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари юзасидан назарий хулосаларни илгари суриш;

амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш бўйича амалий ва илмий-назарий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти.** Диссертация тадқиқотининг объекти жиноятчиликка қарши курашишда прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** – жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий

фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномаларнинг таҳлилидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий ҳуқуқий, мантиқий, социологик, сўровнома, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

махсус ваколатли давлат органининг хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан ўзаро халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги айнан “Эгмонт” молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг устав ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги асосланган;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича прокуратура органларида бенефициар мулкдорларга оид бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш билан боғлиқ қоидаларни амалиётга киритиш зарурияти асосланган;

“халқаро ҳамкорлик” ва “халқаро сўров” тушунчаларига муаллиф томонидан таъриф берилиб, мазкур тушунчалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда илмий-назарий жиҳатдан асосланган;

нодавлат ноижорат ташкилотлари ва бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва (ёки) тергов органлари, махсус ваколатли давлат органи ҳамда назорат қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилиши зарурияти илмий жиҳатдан асосланган;

паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилиши зарурияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлиги” тушунчасига муаллифлик таърифи берилди;

халқаро миқёсда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро ҳамкорлик ҳуқуқий механизмларини мувофиқлаштириш зарурияти асосланди;

жиноят содир этишда гумон қилинган ёки айбланган халқаро қидирувдаги шахсларнинг ҳаракатланиш (хорижга чиқиш) ҳужжатини тўхтатиб туриш институтини такомиллаштириш зарурияти исботланди;

жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий фаолиятидаги ўзаролик



принципини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича амалдаги қонунчиликни уйғунлаштириш зарурлиги ўз тасдиғини топди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган.

Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар амалиётга жорий қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида илгари сурилган таклифлар ва илмий хулосалардан илмий-тадқиқот ишлари олиб боришда, ўқув жараёнида, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини амалга ошириш ва уларни такомиллаштиришда ижобий самара беради.

Диссертацияда баён этилган қоидалар, чиқарилган хулосалар, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ушбу муаммога доир илмий тадқиқотлар ўтказишда, жинойий ишлар бўйича халқаро ҳамкорлик тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштиришда, шунингдек халқаро жиноят ҳуқуқи, модулини ишлаб чиқиш ва уларни юриспруденцияга ихтисослашган олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ўқув жараёнида, ўрганилган муаммога оид ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ахборот алмашинувини таъминлаш, халқаро сўровларни тайёрлаш, юбориш, ижро этиш ва рўйхатга олиш тартиби юзасидан куйидаги илмий натижалар жорий қилинган:

махсус ваколатли давлат органининг хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан халқаро ҳамкорлиги “Эгмонт” молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг устав ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши билан боғлиқ таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг иккинчи боби 7-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2021 йил 9 июлдаги 2/1450-сон далолатномаси). Мазкур таклиф ўз мазмун-моҳиятига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг жиноий фаолиятдан

олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга хизмат қилади;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва тергов органларида мавжуд бўлган ёки олинishi мумкин бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни алмашиш юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг тўртинчи боби 10-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2021 йил 9 июлдаги 2/1450-сон далолатномаси). Ушбу таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг халқаро сўровларини тайёрлаш, жўнатиш ва ижро этиш тартибини белгилаш имконини беради;

“халқаро ҳамкорлик - Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари билан халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар ваколатли органлари ўртасида легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш (маълумотлар, ҳужжатлар алмашинуви, процессуал ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.) масалалари юзасидан ҳамкорлиги” деб ҳисобланиши тўғрисидаги таклиф, шунингдек “халқаро сўров - Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ёки хорижий давлатлар ваколатли органларининг легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш (маълумотлар, ҳужжатлар алмашинуви, процессуал ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.) тўғрисидаги сўров” деб юритилиши ҳақидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг биринчи боби 2-бандида ўз

ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2021 йил 9 июлдаги 2/1450-сон далолатномаси). Ушбу таклиф ҳуқуқни қўллашда “халқаро ҳамкорлик” ва “халқаро сўров” тушунчаларини илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан қўллашга хизмат қилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва (ёки) тергов органлари, махсус ваколатли давлат органи ҳамда назорат қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилиши юзасидан таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 июндаги 402-сон қарорининг 2-иловаси билан тасдиқланган “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг бешинчи бобининг 11-бандида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2021 йил 9 июлдаги 2/1450-сон далолатномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг халқаро сўровларини тайёрлаш, жўнатиш ва ижро этиш тартибини такомиллаштиришга хизмат қилади;

паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш фақат давлатлараро ёки халқаро қидирув эълон қилинган айбланувчига ёки судланувчи шахсга нисбатан қўлланилиши хусусидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 28 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-558-сон Қонунининг 2-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 28<sup>1</sup>-боб 254<sup>1</sup>-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг 2019 йил 9 сентябрдаги 2/3-2335-19-сонли далолатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасининг 2019 йил 20 ноябрдаги 06/2-06/4131-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг хорижга чиқиш (биометрик) паспортини тўхтатиб қўйиш институтини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 16 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 150 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **“Прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги халқаро ҳамкорлигининг назарий жиҳатлари”** номли биринчи бобида прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлиги тушунчаси ва моҳияти, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича прокуратура органлари халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигида ўзаролик принципининг аҳамияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларига оид масалалар ўрганилган.

Хорижий (А.Волеводз, Э.Дамирчиев, И.Гринь, В.Панов, К.Бекашев) ҳамда миллий (Д.Умарханова, Н.Сафаров, У.Низамединходжаев, Р.Сайфулов) олим ва тадқиқотчиларнинг илмий ишлари, шунингдек асарларида, юридик энциклопедия ва луғатларда қўлланилган **“жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик”**, **“ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро ҳамкорлиги”** тушунчаларининг мазмун-моҳияти таҳлил қилинган ва **“жиноятчиликка қарши курашишда прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлиги”** тушунчасига муаллиф таърифи берилган.

Диссертацияда жиноятчиликка қарши кураш борасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг муайян механизмлари шаклланганлиги ва бу механизм ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш учун шартномавий-ҳуқуқий (конвенцион) ва ташкилий-ҳуқуқий (институционал) элементларни ўз ичига олиши таъкидланган. Жиноятчиликка қарши кураш борасида халқаро ҳамкорликнинг конвенцион элементи механизми давлатлар ўртасидаги келишувлар мажмуини ўз ичига олиши ва бу келишувлар жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатларнинг шартномавий-ҳуқуқий ҳаракатларини мувофиқлаштиришни назарда тутиши эътироф этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан жиноятчиликка қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигида ўзаролик принципининг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган ҳамда муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий фаолиятидаги ўзаролик принциби бир давлат ҳудудида чет давлат ёки хорижий фуқарога муайян ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кўмакни, хорижий давлат

худудида худди шундай ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кўмакни олиш эвазига беришни англатиши илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро-ҳуқуқий фаолиятидаги ўзаролик принципи бир давлат худудида чет давлат ёки хорижий фуқарога муайян ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кўмакни, хорижий давлат худудида худди шундай ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кўмакни олиш эвазига беришни англатиши асослантирилган.

Шу билан бирга диссертациянинг мазкур бобида тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюроси халқаро-ҳуқуқий фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда “халқаро сўров” тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари ёки хорижий давлатлар ваколатли органларининг легаллаштиришга ва предикат жиноятларга қарши курашиш соҳасида муайян ҳаракатларни амалга ошириш (маълумотлар, ҳужжатлар алмашинуви, процессуал ҳаракатларни бажариш ва ҳ.к.) тўғрисидаги сўров, деб муаллиф таърифи берилган ҳамда ушбу тушунчанинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг халқаро-ҳуқуқий фаолиятидаги ўрни бўйича хорижий олимлар (Чиолкю Хванг, Дионисиос Спинеллис, Эллен Подгорус, Неил Бойстер, Роберт Кюрри) тадқиқотларига асосан ривожланган мамлакатлар қонунчилиги асосидаги қиёсий таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот ишида ички ва халқаро миқёсда қонун устуворлигини, шунингдек одиллик ва адолатли бошқарувни мустаҳкамлаш ва уларга риоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши шартлиги таъкидланган.

Шунга асосан, ушбу йўналишга оид меъёрий ҳужжатлар ва раҳбарий кўрсатмаларни ишлаб чиқишда ушбу қонун устуворлиги бўйича қоидаларни киритиш зарурияти асослантирилган.

Диссертация ишида кўплаб мутахассис ва экспертларнинг жиноятчиликка қарши курашишдаги ҳамкорлик масалалари илмий баҳс ва мунозаралар орқали баён қилинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик ўзининг мазмунига кўра, амалдаги халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва миллий қонунчилик асосида келишилган ҳаракатларни, дунё ҳамжамияти ёки бир неча давлатларнинг манфаатларига дахлдор ва халқаро келишувлар бўйича иштирокчи давлатларнинг ўзаро ёрдами асосида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятнинг олдини олиш, жиноятни очиш, жиноят содир этилишини тўхтатиш, тергов қилиш ва жиноят ишларини кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш ва жазони ижро этиш ҳаракатларини ўз ичига олиши асослантирилган.

Тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ҳам ўрганилган бўлиб, бу борада Бош прокуратура бевосита ваколатли ҳамда масъул орган сифатида белгиланган 27 та давлатлараро шартнома ва битимлар, 17 та идоралараро келишув ва битимлар мавжудлиги аниқланган.

Мазкур диссертациянинг “Иқтисодий жиноятларга қарши курашишда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро - ҳуқуқий ҳамкорлигининг асосий йўналишлари” номли иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик масалалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг институционал масалалари тизимли таҳлил нуктаи назаридан тадқиқ қилинган.

Диссертация иши доирасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш соҳасида меъёрий ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш жараёнига халқаро ташкилотлар (БМТ НЖҚҚБ, БМТТД, ИХТТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕОГ ва бошқалар) жалб этилаётганлиги алоҳида таъкидланган.

Тадқиқот ишида айрим хорижий давлатлар (Болгария, Австрия, Россия Федерацияси, Қозоғистон) қонунчилигини ўрганиш натижасида прокуратура органларининг Ўзбекистон Республикаси томонидан тузиладиган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича давлатлараро ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик йўналишларини ифодаладиган халқаро шартномалар лойиҳаларини яратишдаги иштироқи муҳим аҳамият касб этиши ва у билан боғлиқ нормаларни амалдаги қонунчиликка киритиш зарурияти таъкидланган.

Бир қатор ривожланган мамлакатлар қонунчилигидаги прокуратура ёки унинг вазифаларини бажариш ваколати юклатилган идоралар фаолиятини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги халқаро ҳамкорликка оид қоидалар ўрганилган, таҳлил қилинган ва Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 52-моддасини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган.

Шу ўринда, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг хорижий давлатларнинг молиявий разведка бўлинмалари билан халқаро ҳамкорлиги «Эгмонт» молиявий разведка бўлинмалари гуруҳининг устав ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши катта самара бериши хусусидаги фикр-мулоҳазалари илмий ва амалий жиҳатдан асослантилган.

Бундан ташқари, диссертант томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро ҳамкорлигининг янги йўналиши сифатида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бенефициар мулкдорлар тўғрисидаги маълумотларни алмашиш юзасидан ўз ваколатлари доирасида Департамент ҳамда назорат қилувчи давлат органлари томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ таклиф илгари сурилган.

Диссертация ишида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик йўналишининг самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг МДХга аъзо давлатлар Молиявий разведка бўлинмалари раҳбарлари кенгашининг фаолиятидаги иштирокини янада кучайтириш назарий ва амалий жиҳатдан асослантирилган.

Шу ўринда, МДХга аъзо давлатлар Молиявий разведка бўлинмалари раҳбарлари кенгаши иштирокчиларига стратегик ва тактик маълумотлар билан алмашиш имкониятини берадиган, шунингдек жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган хавфларни қисқартириш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қиладиган “Жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хатарларини баҳолаш бўйича халқаро марказ”ни очиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида тавсиялар билдирилган.

Диссертациянинг мазкур бобида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 1993 йил 22 январдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция ва 2002 йил 7 октябрдаги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги Конвенция қоидаларини амалга ошириш юзасидан аниқ йўналиш ва чора-тадбирларни белгилиб олиш масаласи, бу борада ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш орқали жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш зарурияти ва янги ҳамкорлик шакллари, истиқболлари асослантирилган.

Таъкидлаш лозимки, диссертацияда Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашишдаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигида глобаллашув даври нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда хорижий мамлакатларнинг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари билан янги йўналишдаги ҳамкорлигини йўлга қўйишга зарурат пайдо бўлаётганлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Тадқиқот ишининг мазкур бобида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари (Бош прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси)нинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг институционал масалалари тарихий-эволюцион ва тизимли ёндашув асосида таҳлил қилиниб, бу йўналишдаги бир қатор Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ҳукуматнинг қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқлари ўрганилган.

Диссертацияда прокуратура органлари халқаро-ҳуқуқий фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий, институционал масалалари юзасидан ҳуқуқни қўллаш амалиётида вужудга келиши мумкин бўлган муаммолар кўриб чиқилиб, ривожланган айрим мамлакатлар (Россия Федерацияси, Қозоғистон, Канада, Туркия, Хитой) тажрибаси асосида прокуратура ёки ҳуқуқ-тартибот тизимида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликка масъул бўлган бош бошқармалар, департаментлар ва бюро (шахсий таркиби камида 15-20 нафардан иборат

юқори малакали, профессионал ходимлар) шаклида бир нечта соҳавий тузилмаларнинг самарали фаолият юритиши аниқланган.

Хусусан, халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик бўйича бош бошқармалар, департаментлар ва (ёки) бюро таркибида экстрадиция масалалари бўйича, жиной ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, универсал ва минтақавий халқаро ташкилотлар билан ишлаш бўйича, кўптомонлама ва иккитомонлама шартномалар бўйича, алоҳида муҳим топшириқлар бўйича, протокол хизмати (таржимонлар гуруҳини ўз ичига олган) каби бўлинмалар фаолият кўрсатиши бугунги давр талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқаётган зарурат билан изоҳланиши амалий жиҳатдан асослантилган.

Мазкур бобда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг Халқаро прокурорлар ассоциацияси ва МДХ Бош прокурорларининг Мувофиқлаштирувчи Кенгаши доирасидаги халқаро ҳамкорлиги масалалари ўрганилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигининг айрим жиҳатлари”** номли учинчи бобида прокуратура органлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда халқаро ҳамкорлик масалалари, шунингдек халқаро қидирувдаги шахслар ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилишини тўхтатиб туришда прокурорнинг иштироки каби масалалар юзасидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Тадқиқот ишининг мазкур бобида бугунги кунда прокуратура органлари ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишидаги халқаро ҳамкорлик масалалари тадқиқ этилган бўлиб, унда Бош прокуратура Академиясининг хорижий мамлакатлар (Сингапур коррупцияга қарши курашиш Академияси, Москва тергов кўмитаси Академияси, Россия молиявий мониторинг халқаро ўқув-услугий маркази, Туркия Республикаси Адлия Академияси, Украина прокуратураси миллий Академияси, Россия Федерацияси Бош прокуратураси университети, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси давлат прокурорлари институти, Қозоғистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари Академияси, Корея ҳуқуқий тадқиқотлар институти, Сибирь бошқарув институти, Беларусь давлат университети таълим муассасаси, Беларусь Республикаси Бош прокуратурасининг қонунийлиги ва ҳуқуқ-тартиботини мустаҳкамлаш муаммолари илмий-амалий маркази давлат муассасаси, Франция Республикаси магистратура миллий мактаби, Хельсинки университети (Финляндия) Александр институти, Корея Республикаси Адлия институти, Япониянинг Адлия институти) ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича таълим муассалари билан ўзаро халқаро ҳамкорлик масалалари ўрганилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси томонидан амалга оширилаётган халқаро грант ва лойиҳалар (АҚШнинг Адлия сектори стипендия дастури (IJET), Америка ҳуқуқшунослари ассоциацияси (ABA/ROLI) қонун устуворлиги ташаббуси томонидан амалга оширилаётган ҳамда жиной адолат ва ҳамкорликни (INL/CAP) тарғиб қилиш, Япониянинг халқаро ҳамкорлик



агентлиги (JICA), БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан ишлаш Осие ва узоқ Шарқ институти (UNAFEI), OECD Осие-тинч океани Академияси (Саитама, Япония), Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари салоҳиятини мустаҳкамлаш халқаро дастури (ILEA), Германия Адлия ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси) йўналиши тадқиқ қилиниб, мазкур соҳада амалга оширилиши лозим бўлган кўшимча чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар берилган.

Диссертацияда ривожланган хорижий давлатлар (Корея Республикаси, Туркия, Ҳиндистон, Болгария, Сербия) ва МДҲ мамлакатлари (Россия, Қозоғистон, Беларус Республикаси) ҳуқуқни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолияти ўрганилиши натижасида, мазкур таълим муассасалари ташкилий тузилмасида ҳуқуқ-тартибот, адлия ва прокуратура органларининг халқаро ҳамкорлигини илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этувчи ҳамда тегишли ўқув дастурлари бўйича таҳсил берувчи махсус кафедралар мавжудлиги аниқланган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Академияси ташкилий тузилмасида “Прокурор фаолиятида халқаро ҳамкорлик” кафедрасини тузиш ҳамда мазкур кафедрада махсус фан (модул)ларни ўз ичига олган ўқув дастурларини тайёрлаш ва ўқитиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича таклифлар берилган.

Диссертацияда АҚШ, Канада, Германия, Франция, Норвегия, Польша, Бельгия, Туркия, Словения, Корея, Сингапур, Вьетнам, Австралия, Янги Зеландия, Грузия ва бошқа қатор давлатларда жиноят иши бўйича айбланувчиларни (судланувчиларни) суддан яширинишининг олдини олиш, қидирувда бўлган шахсларни хорижий давлатларда ҳаракатланишини чеклаш ва ўз юртига қайтариш мақсадида фуқаролик паспортини (ҳаракатланиш ҳужжати) бекор қилиш амалиёти кенг қўлланилиб келиниши таъкидланган.

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг жиноят ишини юритиш соҳасида 60 дан ортиқ хорижий давлатлар билан фаол ҳамкорлик қилиши, жиноят ишини юритишга оид ҳуқуқий ёрдам бериш, экстрадиция қилиш ва ўтказиш тўғрисидаги сўровларнинг салмоқли ҳажмини юбориши ва қабул қилиб олиши таъкидланган. Хусусан, Ўзбекистонда 2019 йилда умумий жиноятчилик 16 фоизга (87412 - 73692), 2020 йилда эса – 33,5 фоизга (73692 - 49011) камайишига эришилганлиги қайд этилган.

Шунга қарамай, айбланувчининг, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниши мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни, шу жумладан, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалда таъминлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётганлиги асосланганлиги таъкидланган.

Юқоридагиларга асосан, диссертант томонидан халқаро қидирувда бўлган шахсларнинг хорижга чиқиш (биометрик) паспортини тўхтатиб қўйиш институтини қўллаш ва бу жараёнда прокурор иштирокини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал

кодексининг янги 28<sup>1</sup>-бобига айрим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилган.

Диссертациянинг мазкур бобида, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни рағбатлантиришда оид хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳамда аксарият МДХ давлатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳисса қўшганлик учун медаль (кўкрак нишони) жорий этилганлиги тадқиқ қилинган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизимида “Прокуратура органларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги хизматлари учун” идоравий кўкрак нишонини таъсис этиш мақсадга мувофиқлиги асослантилган.

## **ХУЛОСА**

Диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди:

### **I. Илмий-назарий таклиф ва хулосалар:**

